


БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Дастлаб оддий хунармандчилик билан машғул бўлган Эркиной Мамажоновна 2004 йили “Бекажон-ЯН” фирмасини ташкил этди. Баландчақир қишлоғидан Янгиер шаҳрига келиб, уч хонали уй сотиб олиб, ўша ерда иш бошлашди. Тушган даромадга тикув машиналари харид қилиб, фаолиятни янада кенгайтиришди. Янги иш ўринлари яратилди, иш ҳажми орта борди. 2006 йили тиббиёт коллежининг эски ётоқхонаси биносидан жой олиб, ташландиқ иншоотни яхшилаб таъмирлашди, натижада, яна янги иш ўринлари очилди.



Кахрамон ҚУННОЗОВ олган сурат.

“ОБУНА — 2011”

Индекс:

Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177



“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий агзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, газетамизга обуна йил бўйи давом этaveraди.

Ушбу сонда:

Ёз саз ўтаяптими?	2
Олови ёқади, тўлови чақади	3
Халқ дуосида хайр бор	3
«Газета» сўзининг маъноси	4
Пискентлик фаол аёллар	5
20 минг долларлик «операция»	6
Эр-хотиннинг уриши	7
8 ёшли радиобошловчи	7
Ўғайлик балоси	7
Ёмон тушни сувга айтинг!	8
«Бунёдкор» ҳозирча биринчи	8

ФАРЗАНДЛАР СОНИ ЭМАС, СОҒЛИГИ МУҲИМ

— дейди Уйчи тумани Ҳизиробод ҚВП мудирининг олий тоифали умумий амалиёт шифокори
Маҳмудахон ОЛИМОВА

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА



...Иш вақти бошланишидан ярим соат аввал врачлик пунктига келган Маҳмудахоннинг хузурига ўрта ёшлардаги бир жувон ийманибгина кирди. Қишлоқ аёлларининг одати шунақа. Ҳадеганда очилиб-сочилиб гапириб кетавермайди. Дардини дастурхон қилмайди.

Аммо бу гал шифокорнинг аёл кўнглидаги гапни билиб олиши у қадар қийин кечмади.

— Икки қиз, бир ўғлимиз бор, — деди аёл ерга боқиб. — Турмуш ўртоғим ўғлим жуфт бўлсин деб... Ёшим ўттиз олтида, қизимизнинг бўйи етиб қолди, бунинг устига қон босимим тез-тез кўтарилиб туради, бу ёғи қандай бўларкин, десам ҳам, тушунишни истамаяпти. Шунга...

Опа тушунди: ахир, унинг вазифаси хузурига келган беморнинг касаллигини даволашдангина иборат эмас-да.

— Мен турмуш ўртоғингизни худди кўчада учратиб қолгандек, суҳбатга тортаман, хўпми. Уни бу фикрдан қайтаришга уриниб кўраман. Менимча, у тўғри тушунади. Кўра-била турди сизнинг ҳаётингизни қатарга қўймас-ов! — деди Маҳмудахон опа аёлнинг кўнглини тинчлантириб.

Шу кунги кечқурун опа аёлнинг эрини кўчада кўриб қолди. Шошилмаётгани учун бемалол гаплашди. Аммо аёлнинг ўз хузурига келганини сир тутди. Кеч туғруқни бошидан ўтказган, қон босими бор бир аёлнинг аянчли қисмати ни ҳикоя қилиб берганди, ҳалиги йигит бир мuddат ўйлиниб қолди. Сўнг ўзи секин гап очди:

— Биз ҳам ўйлини жуфтласакми, деб юргандик. Яхшиям, сизни учратганим, опа. Демак, аёлнинг саломатлиги кўтаролмас экан, тўғрими, — деди. Опанинг кўнгли ёришди. Кишилар-

да оила, умр йўлдош, фарзандлар саломатлиги учун қайғуриш ҳисси кучайиб бораётганидан севинди...

Маҳмудахоннинг ҳаётида бунга ўхшаш воқеалар жуда кўп учрайди. 25 йиллик иш тажрибасига эга, 1999 йилдан буён Ҳизиробод ҚВПга раҳбарлик қилиб келаётган шифокор барчасини ижобий томонга ўзгартирмагунча тинчмайди. 20 нафар ходимдан ҳам шунини талаб этади.

— Тан олиб айтиш керак, мустақиллигимизнинг илк йилларида аҳолининг саломатлиги бўйича савияси паст даражада эди, — дейди мудир. — Энди эса, қаранг, аксарият аҳоли биринчи навбатда саломатлиги йўлида жиддий қайғураяпти. Яна бир жиҳати, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар аста-секин камаймоқда. Шунингдек, қатор хавфли хасталиклар профилактикаси изчил олиб борилаётгани боис ногирон гўдаклар туғилиши озайди.

Булар Президентимизнинг оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этишга қаратилган қатор қарорлари юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларини изчил олиб бораётганимиз самарасидир. Қишлоқ врачлик пунктимиз жами 13 миллион сўмлик 75 турдаги тиббий аппарат ва жиҳозлар билан таъминланган. Жорий йил июнь ойида эса «Саломатлик — 2» лойиҳаси бўйича умумий қиймати 1 миллион сўмликдан ортиқ 23 турдаги тиббий аппарат, жумладан, учта патронаж ҳамшира сумкасига эга бўлди.

Тарғибот йўналишидаги ишни уч турда олиб борамиз. Биринчидан, соғлом турмуш тарзи ҳақида тушунча берувчи махсус буклетларни ҳар бир оилга тарқатамиз. Иккинчидан, қабулимизга келган беморлар эътиборига шу мавзудаги видеотасмаларни ҳавола этамиз, ниҳоят, давра суҳбатларини тез-тез ўтказиб тураемиз. Бунда хотин-қизлар қатори оила бошлиқлари, қайноналар ҳам фаол иштирок этишади.

Ҳамкасбларим — олий тоифали умумий амалиёт шифокори Раънохон Мамадулова, акушер-гинеколог Дилоромхон Солиева, ҳамширалар — Маҳфузахон Пўлатова ва Дилфузахон Адашева кўмағида қутулган натижаларга эришяпмиз.

Шахло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Наманган вилояти.



Навбат — республика босқичига

2005 йилдан буён Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказиб келинаётган «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўриктанловининг нуфузи Тошкент вилоятидаги маҳалла маслаҳатчилари орасида ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жорий йилда танловнинг дастлабки босқичлари вилоятнинг 18 та шаҳар ва туманларида ўтказилди.

Яқинда ўрта Чирчиқ туманида танловнинг Тошкент вилоят босқичи ўтказилиб, ўз ҳудудларида ғолиб бўлган 9 нафар маслаҳатчи танловнинг республика босқичига йўлланма олиш учун 3та шарт бўйича беллашди.

Тошкент вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Ғайзиева ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Суяра Қурбонқулов танлов иштирокчиларига омад ёр бўлишни тиллади.

Танлов якунига кўра, Ангрэн шаҳридаги Увайсий МФЙ маслаҳатчиси Раъно Ҳайиткулова вилоятда энг намунали маслаҳатчи деб топилди ва республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ғолиблар ва ҳар бир иштирокчи вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбахо совғалари билан тақдирландилар.

З.ЖҲРАЕВА,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси
Тошкент вилоят бўлими бош
мутахассиси.

АНЖУМАН

Сифатга яраша самарадорлик

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, узлуксиз таълим тизими ишлаб чиқилгани, мактаб, лицей ва коллежларда жаҳон стандартларига мос шарт-шароит яратилгани ҳақида гапириб, бундай юксак эътибор ҳозирданқўз самарасини бераётганини таъкидлашди.

2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури асосида 8501 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 463,6 млрд сўмлик мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари, спорт анжонлари билан жиҳозланди. Ўқув дастурлари ва давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, шу асосда тайёрланган замонавий дарсликлар ўқувчилар қўлига пешма-пеш етказиб берилмаётир. Халқ таълими тизимидаги 6509 та умумтаълим мактаби (66,5%) замонавий компьютер техникаси билан таъминланган. 2011 йили бюджет маблағлари ҳисобидан яна 806 та мактабда ўқув компьютер синфлари ташкил этилиши режалаштирилган.

— Барча таълим муассасаларимизда ўқувчиларнинг билим олиши учун шарт-шароитлар яратилган, — дейди Халқ таълими вазири ўринбосари Абдугани Холбеков. — Эндиги вазифа эса таълим сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилмоқда. Шубҳасиз, бугунги барча сайёҳ-харакатларимиз айнан шу мақсад сари қаратилган.

Мадина САБРИЕВА,
Одина ҚУЛМУРОВОВА

Ёз — ўтмоқда соз!

Чўмилиш ҳовузчаси атрофида йиғилган кичкинтойларнинг қувончи ичига сиймайди. Бугун «Сув байрами» спорт мусобақасида болаларнинг жону дили бўлган «Сув ичида тўп ўйнаш» беллашуви ҳам ўтказилаяпти-да.

Бундай турли спорт мусобақалари ва кўнгилочар тадбирлар Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 91-мактабгача таълим муассасасида «Ёз ўтмоқда соз!» шиори остида ташкил этилмоқда. Турли йўналишдаги тўғарақлар ҳам кичкинтойларнинг қобилиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этапти.

«Менинг қизиқिशларим», «Расм чизиши яхши кўраман», «Қоғоздан турли нарсалар ясаймиз», «Миллий рақс», «Бадий гимнастика» тўғарақларнинг машғулоти болақайлар дунёқарашининг шаклланишида пойдевор вазифасини ўтамоқда. Келажак авлодини етук, соғлом ва мактабга тайёр ҳолда тарбиялаш учун 19

нафар педагог бор билим ва тажрибасини ишга солмоқда.

— «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтаётган ҳар бир тадбир болажонларимиз онгига Ватан тушунчасини сингдириш-

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ



га йўналтирилган, — дейди МТМ мудирининг туман «Замонавий раҳбар» услубий бирлашмаси бошлиғи, Махфуратхон Қулматова. — Табиийки, тарбия масканининг кўриниши, яшил дунё ва жониворлар олами ҳам кичкинтойлар руҳиятига ўзига хос таъсир кўрсатишини назардан четда қолдирмаганмиз. Боғчамизда жонли та-

биат бурчаги ташкил этганмиз.

Ҳа, мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида МТМнинг барча хоналари таъмирланиб, янги ускуналар билан жиҳозланди ва байрамона безатилди. Маскан худуди ободонлаштирилиб, гулзорга айлантирилди. Болалар учун спорт майдончалари, тошлардан «Буюк ипак йўли», «Қушлар» композицияси, «Тоғ эчкиси» ва турли эртак қахрамонлари ясалди.

Шунингдек, болалар учун қаратқ, шашка, гимнастика тўғарақлари ҳам ташкил қилинди.

Махфуратхон Қулматованинг сайёҳ-харакатлари зое кетмади. МТМ нафақат туман ва шаҳар, балки республика миқёсида ҳам ўзига хос нуфузига эга бўлди. Бир неча йилдан буён «Энг обод таълим муассасаси» кўриктанловидан мунтазам катнашиб, фахрли ўринларга сазовор бўлиб келмоқда. Мазкур маскан жамоаси ва тарбияланувчилари «Олтин хумо» болалар ижодий фестивали, «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаси, «Йил тарбиячиси», «Август кенгашлари» сингари танлов ва семинарларда фаол иштирок этиб, илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштириаяптилар.

Санобар ФАХРИДДИНОВА

“Яхши киз овулдан ортмас” деган гапни эл билиб айтган. Эркинойни ҳам кўшниси келин қилди-қўйди. Кўп йиллик синашта-да! Икки кўшни аёл аввалига қалин дугона бўлиб юриб, бу яқинлики ниҳоят қудачилик билан мустаҳкамлашди.

Онаҳон ая кўшнисининг қизлари Саодат, Эркиной ва Нарзиойга бирам хаваси келардики... Қачон қараса, бирор юмуш билан банд бўлишарди. Бири бирдан чевар, гайратли. Айниқса, Эркиной зийрак, уквули, кўхликкина. Қизлар онала-



ни ҳам олиб келганди. Аввалига уйда тикиш-бичиш қилиб юрди. Қараса, бюуртмалар ортаптапти, “Менга ҳам иш ўргатинг”, деб қиз-келинчақлар ҳар куни келишарди. “Ўзимнинг бир ишхонам бўлсаиди”, деб орзу қиларди у. Ўқиди, изланди, маҳоратини ошириб борди.

“Мен бахтли аёлман!”

— дейди сирдарёлик Эркиной Мамажонов фахр билан

ри Зухра аяга ўхшаб қўлигул чевар чикди. Жимиллатиб кураклар қурайди, тиккан кўрпа-ёстиқларидан нуқсон топиш қийин. Пазандалиги, қўлининг ширинлигини айтмайсиэ. Одоб-ахлоки бирам гўзал. “Эркиной Маҳмуджонимга мос”, деб ўйларди ҳар кўрганида Зухра ая. Катталарнинг бамаслаҳат қилган қарорига ёшлар ҳам розилик билдиришди. Қолаверса, улар бир-бирларини болалигиданок яхши билишарди.

Шундай қилиб, Эркиной атта хонадон — кўшни ҳовлига келин бўлиб тушди. Уч-тўрт оила бир ҳовлида туришар, Эркиной учинчи овсин эди. “Кўпчиликда барака бор”, деб бекорга айтишмас экан. Янги келин самимий, оққўнгиллиги боис одамларнинг бағрига тез сингиб кетди. Сеп-суруғига қўшиб “Чайка” тикув машинаси-

Уйдагилари Эркинойнинг бе-малол ишлаши учун ҳамма имкониятларни яратиб беришди. Айниқса, турмуш ўртоғи Маҳмуджон уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади, ютуқларидан бирга қувонди.

Дастлаб оддий хунармандчилик билан машғул бўлган Эркиной Мамажон 2004 йили “Бекажон-ЯН” фирмасини ташкил этди. Баландчақир кишлоғидан Янгиер шаҳрига келиб, уч хонали уй сотиб олиб, ўша ерда иш бошлашди. Тушган даромадга тикув машиналари харид қилиб, фаолиятни янада кенгайтиришди. Янги иш ўринлари яратилди, иш ҳамми орта борди. 2006 йили тиббиёт коллежининг эски ётоқхонаси биносидан жой олиб, ташландик иншоотни яхшилаб таъмирлашди, натижада, яна янги иш ўринлари очилди.

босқичида биринчи ўринни, республика бўйича эса “Энг яхши хунарманд аёл” номинациясини қўлга киритди.

Бугунги кунда “Бекажон-ЯН”да 7 нафар ишчи, 22 нафар касаначи фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ҳамма турдаги бюуртмалар бажарилади. Фирма қошидаги ўқув марказида эса тикувчилик-дизайнерлик, элита пардалар, қўлда ва машинада гул бошиш, бичиш-тикиш ва тўқиш, косметолог-массаж, сартарошлик, пазандалик, ҳамширалик курслари ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, ишчи кадрлар шу ернинг ўзида тайёрланапти.

Бугунги кунда Гулмира Салохова, Рафоат Норкулова, Лола Хотамбоева, Нигора Бойзоқова каби чеварларнинг тикаётган бежирим қийим-кечак-

лари ҳаммага манзур бўлаяпти.

Эркинойнинг шогирдлари ҳам унга ўхшаб кетади. Тутган тутумлари, ҳаётга, меҳнатга муносабатлари, ишчанликлари... Муқаддас Раҳмонкулова, Назира Каримжонова устозидан чеварликнигина эмас, ҳақиқий аёл қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини ҳам ўрганишди. Эркиной зийрак эмасми, қизларнинг хатти-ҳаракатларини, табиятларини ўрганиб бораверди. Сўнгра синашта бўлиб қолган, қўл-оёғи чаққон, ҳам-

ўрганган эди. Бугунги кунда ҳам айнан ана шундай камзулларга бюуртмалар олишарди.

— Оилада ҳамфирклик жуда муҳим омиллардан саналади. Келишиб, бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирининг раъйига қараб яшаган жуфтликдан бахт нари кетмас экан. Бу ҳақиқатни ўз ҳаётимдан келиб чиқиб айтаяпман. Менга нисбатан “Бахтли аёл” деган сўзни юзимга ҳам, ортимдан ҳам айтишарди. Ҳақ гап. Ўғилларим ҳам йигит бўлиб қолишди. Оилада ўрним, иззатим, сеvimли касбим бор.

Кўпинча, ёнгинамизда биз билан замондош, елкадош бўлиб умргузаронлик қилаётган одамларга деярли эътибор бермаймиз. Улар орасида ўзининг ҳалол меҳнати, гулдек хунари, ибратли тадбиркорлиги билан ҳаммага намуна бўлаётган хотин-қизлар жуда кўп. Ўз оиласида дилбар бека, меҳрибон она, жамоат ишларида эса фаол ва жамоатчи — ҳаммасига вақт, имконият топишади, улгуришади.

Бугунги лавҳамиз қаҳрамони Эркиной Мамажонва ҳам ана шундай фидойилардан бири. Унинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» да ташаббускорлиги янада кучаймоқда. Яратилаётган имкониятлар унга ўзгача куч ва гайрат бахш этган. Янги-янги иш ўринларини очиш, уйда ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш борасида талай режалари бор. Ният яхши бўлса, унга олиб борадиган йўлнинг ойдинлиги аниқ.

Баҳор ХОЛБЕКОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

казлари ишлаб турибди. Аҳоли орасида, айниқса, таълим муассасаларида газдан тўғри фойдаланиш, агар ундан нотўғри фойдаланилса, қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида техника хавфсизлиги бўлими ходимлари тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги фармойишига кўра, қарздорликни ўз вақтида аниқлаш, қўлайиб кетишига йўл қўймаслик, ҳисоб-китоб ва сотиш тизимини такомиллаштириш, истеъмолчилардан тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, табиий газдан фойдаланишда йўл қўйилаётган қоидабузарликларни аниқлаш ва уларга нисбатан чора кўриш

мақсадидан аҳоли ва улгуржи истеъмолчилар хатловдан ўтказилмоқда.

Айни пайтга қадар 5104 хонадон хатловдан ўтказилган бўлса, улгуржи истеъмолчилар ўртасидаги бу жараён якунига етказилди. Хатловдан ўтказиш пайтда 83 та қоидабузарлик аниқланган бўлиб, уларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрилди. Ўша вақтда базавий қарздорлик кўрсаткичи аҳоли ўртасида 998 млн. 100 минг сўм бўлса, хатлов пайтида аниқланган аҳоли ўртасидаги қарздорлик эса 1 млрд 223 млн сўмга етгани маълум бўлди. 1726 та ҳўжалиқдан қарзни ундириш мақсадида фуқаролик судида мурожаат этилган бўлса, 129 та хонадондан 29 млн 200 минг сўм ундирилди. Албатта, аҳоли ва улгуржи истеъмолчилардан қарздорликни ундиришда туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари яқиндан кўмак бериб келмоқда.

Шавкат ШОКИРОВ,

“Жанубгазтаъминот” унитар корхонасининг

Чироқчи туман газтаъминот филиали бошлиғи.


Илҳом РАҲМОНОВ,

“Оила ва жамият” мухбири.

Чироқчи тумани вилоят марказидан олисда жойлашган. Аммо аҳолига яратилаётган қўлайликлар марказдагидан қолишмайди. Буни хонадонларда қишин-ёзин табиий газ ёнишидан ҳам билса бўлади. Қишлоқ жойларга табиий газ етиб борган, аҳолининг турмуш тарзи ўзгаради, уй-рўзгор юмушлари сезиларли равишда енгиллашади. Хотин-қизларимиз ўчоқ-тандирга ўт қалаш ташвишидан қутулади. Демак, қайсидир жиҳатдан атрофимизни ўраб турган яшиллик оламининг ҳам сақлаб қолган бўлмас.

Чироқчи туманида жами 347 км 599 м газ қувурлари тортилган бўлиб, бу имкониятдан 9335 та хонадон ҳамда 185 та улгуржи истеъмолчи фойдаланади. Айни пайтда тумангазтаъминот филиалида 16 нафар назоратчи, 7 нафар муҳандис-техник, 7 нафар чилангар, 7 нафар пайвандчи хизмати эвазига 32,8 км узунликдаги юқори босимли ер ости, 314,7 км узунликдаги ер усти, 236,7 км узунликдаги паст босимли газ қувурлари доимий назорат қилиб борилади. Бундан ташқари, юқори босимли иситиш қурилмалари, хонадонлардаги газ плиталари, саноат корхоналаридаги ҳар хил ҳажмдаги газ билан қизитиладиган мосламаларни ишлаши ва созлиги назоратда. Ўрнатилган қувурлардан газ сизиб чиқиши ёки қувур ёрилиб кетиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишда зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус машинада тажрибали уста Собир Юсупов бошчилигидаги таъмирловчилар жонбозлик кўрсатмоқда. Туманининг қувурлар етиб бормаган ҳудудларида ҳам аҳоли газсиз қолаётгани йўқ. Корхонанинг махсус машинаси билан хонадонларга суюлтирилган газ етказиб берилмоқда. Туман марказидан 45–50 км узоқликда жойлашган тоғли қишлоқларга ҳам суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш мақсадида “Тумангаз”, “Чувиллоқ”, “Наврўз”, “Оқчова” сервис мар-

ТАБИЙ ГАЗДАН ҚАРЗДОРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!



мурожаат этилган бўлса, 129 та хонадондан 29 млн 200 минг сўм ундирилди. Албатта, аҳоли ва улгуржи истеъмолчилардан қарздорликни ундиришда туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари яқиндан кўмак бериб келмоқда.

Халқ дуосида хайр бор

Ғиждувон туманидаги Бобур маҳалласида яшаётган 4600 дан зиёд аҳолининг 2225 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Ҳанифа Олимовадан кўпчилик миннатдор. Чунки у хотин-қизларга зарур маслаҳат ва насихатларни бериб келаётган. Ҳанифа опа ўқитувчилардан нафақага чиқиб, ушбу вазифани сидқидилдан бажармоқда. Унинг ташаббуси билан маҳаллада “Гул-обод” фольклор дастаси ташкил этилди. Даста ўзининг қадимий, миллий кўшиқлари билан тумандаги турли тадбир ва байрамларда фаол иштирок этади.

МИННАТДОРЛИК

Ҳанифа опа бир гуруҳ чевар, зардўз қизларни Тошкент шаҳрида ўтказилган “Қўли гулдири ўзбек аёли...” савдо кўргазмасига олиб борди. Улар фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Қизларни иш билан банд қилиш, миллий хунармандчиликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳнозаҳон Асадова “уста-шогирд” йўналишида ундан ортик хотин-қизларга ўз хунарини ўргатиб келмоқда. Бу чеварларга маҳалла биносидан алоҳида хона ажратилиб, шароитлар яратиб берилган.

Президентимизнинг “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Фармони билан амалга оширишда маҳалла фуқаролари, фаоллари ҳамшира ҳаракатда.

Юртимизда Ҳанифа Олимовага ўхшаган халқ дуосини олаётган камтарин, жонқуяр маслаҳатчилар кўпаяверсин, деймиз.

Маҳалла фаоллари номидан:
М. ФАТТОВА, М. ШОДИЕВА,
Н. АҲМЕДОВА, С. РАҲБОВА,
М. САНОВА ва бошқалар.

Бухоро вилояти
Ғиждувон тумани.

Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган кўрсатувларнинг бирида ўз фильмини кўкларга кўтариб мактаётган нотаниш бир режиссёр бир соату қирқ дақиқалик томошабин фақат кулиб, кўнгил чигилини ёзадиган кино суратга олганини тинмай таъкидларди. Беихтиёр шу картинани кўргим, мазза қилиб кулгим келди. Режиссёр таъбири билан айтганда, кўнгилнинг чигилини ёзмақчи бўлиб, кинотеатр томон йўл олдим. Залда сийрақина томошабин йиғилган. Ниҳоят, ўша кутилган фильм бошланди. Бироқ картина тугагунча нафақат мен, балки залдагиларнинг деярли аксарияти кинонинг айнан қайси саҳнасида кулиш кераклигини билолмай қийналишди, назаримда. Кинозални тарк этаётганларнинг кайфияти худди фожиали якут топган фильм томоша қилгандек эди гўё. Наҳотки, комедия шунақа бўлса, шу пайтгача бундай бёмани бачканаликни кўрмагандим. Томошабинлар орасида: «Эссиз, шунча вақтим бекор кетди, ундан кўра бирор-бир мазмунли китоб ўқиганим маъқул эди», деганлар ҳам топилди.

Қизиқ, санъат аҳлининг бунга муносабати қандай экан? Комедия нима ўзи? Бугунги кунда суратга олинаётган комик фильмларнинг савияси қай даражада?

Теша Мўминов,
Ўзбекистон халқ артисти:
— Киноэкранларда намойиш этилаётган янги фильмларни нафақат актёр сифатида, балки томошабин сифатида ҳам ўзимча кузатиб, таҳлил қилиб бораман. Савия, сифат масалалари, афсуски, қониқарли эмас. Айниқса, комедия жанридаги фильмларда бачканалик, юзакилик кучли. Комедия фильмларида роль ижро этиш ниҳоятда жиддийликни талаб этади. Эрактларнинг аёллар либосини кийиб, ортқча қилиқлар қилиши комик роль дегани эмас-ку!

Ўзбек киносининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, «Келинлар кўзғолони», «Шум бола», «Суюнчи», «Маҳаллада дув-дув гап»га ўхшаган бетакрор комедия фильмларимиз борки, ханузгача уларни севиб томоша қиламиз. Мукамал сценарий, тажрибали ва мохир режиссёр, иқтидорли актёрлар учлиги фильмнинг муваффақиятли чиқишига хизмат қилган. Ҳозирги комедия фильмларида мана шу ушлики мукамал даражада деб бўладими?

Абдурайим Абдуваҳобов,
актёр:

— Турли жанрдаги киноларда суратга тушишга тақлифлар бўлади. Режиссёрларга «Менга сценарийни беринглар», десам беришмайди. Олган тақдиримда ҳам, китобда ёзилган ҳолати бўйича гапирадиган гапларимни оламан, холос. Мукамал сценарийда суратга олиш кунининг вақти, ўша кунги об-ҳаво, актёрнинг йирик ва ўрта планда неча марта суратга тушиши, қанча



метр тасма кетиши аниқ қилиб ёзилган бўлади. Режиссёр ва оператор асар устида биргаликда ишлайди. Болалигимдан мана шундай сценарий асосида ишлаб ўрганганман, лекин яқин орада шу анъанага амал қилиб, фильм суратга олаётган режиссёрни учратмадим.

«Шум бола»га ўхшаган асарларни ёзадиган адибларимиз камайдики ёки биз топа олма-япизми? Яна бир масала мени ранжитади, киноларимизда непрофессионализм авж оляпти. Кўчадан келиб роль ижро этаётган пулдор «актёр»лар кўпаймоқда. Ахир, актёрлик билан хаваскорликнинг ўртасида еру осмонча фарқ бор-ку! Бекорга

беш-олти йил институтда ўқитишмас, тўғрими?

Бугун режиссёрлик малакаси ва дипломига эга бўлмаганларнинг ҳам кино санъатига аралашаётгани ўзини оқлаётими? Ёки ҳали институтни ҳам тамомлаб улгурмай кино олаётган талабаларга муносабат қай даражада?

Тоҳир Шомуродов,
«Ўзбекино» миллий агентлиги хужжатли фильмлар дирекцияси бош муҳаррири:

— Агентлик томонидан давлат буюртмасига биноан, ҳар йили 15 та бадиий, 10 та мультипликацион, етмишдан зиёд

МУНОЗАРА

хужжатли фильмлар тайёрланади. Шунингдек, хусусий студиялар томонидан ишланаётган бадиий фильмлар соани ҳам тобора ортиб бормоқда. Агентлик қошида фильмларни кўриқдан ўтказадиган, уларнинг катта экранларда намойиш этилишига рухсат берадиган бадиий кенгаш, яъни Кино-видео махсулотлари ва дастурларини таҳлил этиш ҳамда баҳолаш комиссияси фаолият олиб бораёпти. 2010 йилда 36 та хусусий студиялар томонидан суратга олинган фильмлар эксперт аъзоларига келиб тушган бўлса, уларнинг орасидан атиги иккита ёки учтасинигина катта экранларда намойиш этишга арзийди, десам хато қилмаган бўламан. Комедия жанрида олинган фильмларга тўхталадиган бўлсак, Хотам Файзиевнинг «Таъзиядаги тўй» фильмини энг яхши ижод намунаси сифатида эътироф этиш мумкин. Бу фильм томошабинни ҳам кулдиради, ҳам йиғлатади. Агарда ўзимизга хос нозик ижтимоий муаммоларимиз маҳорат билан акс эттирилган. Нега ҳар қандай томошабин эътиборини қозона оладиган фильмларимиз кам, деган саволга бизда мукамал даражада ёзилган сценарийлар ҳамда тажрибали режиссёрлар камлиги ҳам панд бераёпти, деб жавоб берган бўлардим.

Ҳар қандай фильм ёки саҳна асари маънавий озуқа бера олиши керак. Санъаткор яратган асари ҳаётнинг бадиий ифодаси эканини исботлай олиши, томошабинда яшашга қизиқиш, жўшқинлик, бағрикенглик, атрофдагиларга нисбатан самимий муносабатда бўлиш каби инсоний фазилатларни уйғота билиши зарур. Аслида, ҳар қандай санъат турунинг вазифаси ҳам айнан шу. Қорин оғанда тўғри келган бемаза овқат тановул қилинмагани каби, ҳар қанча савиясиз фильм ҳам кино экан деб томоша қилинавермайди. Бу киносаноатининг энг оддий ва исбот талаб қилмайдиган формуласидир.

Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎҚТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костум-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Хамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш.
Хамшира (тезкор) — 3 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 2 ой, Нуктали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Педикюр, маникюр — 1 ой.
Сартарошлиқ — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макياج — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиши олий курси — 1 ой.
Сартарошлиқ — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Түкувчилик — 2 ой.
Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиши — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

**Барчаси амалиёт билан
Ўқишни тугатганларга
ДИПЛОМ берилади.**

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусов бод тумани 3-маъво 1-уй 31-хона, Мулжал Юнусовдехкон бозори боштомони орасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72 (18^с), 225-97-93 18^с дан 22^с гача.
ФИДАЛИ
Манзил: Хмель тумани Фарғона йули кўчаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона, Мулжал Кўйлик кийини бозори. Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

«Ўзкоммунўқувташкilotчи» республика ўқув маркази «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ»

ўқув курсига тақлиф қилади.
ўқиш даври — 1 ой
Манзил: Тошкент шаҳри Нийёзбек йўли кўчаси, 1. («Минор» метро бекати). Тел.: 234-17-08, 343-94-98

Соғломлаштириш маркази очилди

Тоғли Фориш туманининг сўлим ва хушманзара масканларидан бирида жойлашган «Бирлашган» соғломлаштириш маркази мукамал таъмирдан чиқарилди. Кўшимча шинам кемпинглар, янги теннис корти, спорт иншоотлари барпо этилди. Улар замонавий мебеллар, тиббий, соғломлаштириш ускуналари билан жиҳозланди.

Янгиланган ва хусусий тиббиёт муассасаси мақомини олган соғломлаштириш марказида таянч-ҳаракат аъзолари касалликларидан азият чекаётган кишилар шифобахш балчиқ ҳамда нур ёрдамида амалга ошириладиган муолажалар билан даволанишлари мумкин.

ТИББИЁТ

Шу билан бир қаторда физиотерапия ва игна билан даволаш хизматлари ҳам йўлга қўйилган.

— Дастлабки миҳозларимиз асосан кекса ёшдаги кишилар, қариялардан иборат бўлди, — дейди марказ бош шифокори Жавлон Жўраев. — Мусаффо тоғ ҳавоси, шунга мос малакали даволаш омиллари дардларига малҳам истаб келаётганларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга хизмат қилаёпти.

Шуниси эътиборлики, бугун вилоятда 36 та хусусий тиббиёт муассасалари аҳолига малакали хизмат кўрсатаётир.

Донуғул Жўраева,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Жиззах вилояти



ГАЗЕТА — бу сўзнинг умумий маъносини барча яхши билди. Лекин унинг туб илдизини, қандай пайдо бўлганини ҳамма ҳам биллавермайди. «Газета» сўзи итальянча бўлиб, туб маъноси «чақа пул» дегани.

БАЙТ — тилимизда гавалнинг изма-из келган икки мисраси маъносини ифодалаган «байт» сўзининг туб илдизи «уй» деган маънони билдиради. Шунингдек, ўзбек халқ амалий санъатида, мисгарлик, кулолчиликда қўлланадиган нақш ва безак турларидан бири ҳам «байт» деб аталади.

Ҳазрат Навоийнинг ҳар бир байти шеърхонни маърифат олами сари бошлайди.

Газетадан

ҚАЛБ — «Ўзбек тилининг этимологик лугати»да изоҳланишича, ҳозирги пайтда тилимизда «юррак», «дил», «кўнгил» маъноларини ифода қиладиган «қалб» сўзининг туб илдизи «ўзгартирди», «айлантирди» деган мазмунни билдириган.

БИНО — тилимизда «қурилиш», «иншоот», «иморат» маъноларини англатадиган «бино» сўзининг туб илдизи «ярар» деган маънони беради. «Ўзбек тилининг этимологик лугати»да изоҳланишича, «бино қилди» бирикмаси ҳам шу мазмундан келиб чиққан.

Бир йилгит қирқ йилда бино бўлади.

Мақол

Шаҳримизда янги-янги кўркем бинолар қад кўтармоқда.

Газетадан

ГАЛАКТИКА — Куёшни ва Куёш системасидаги бошқа сайёраларни ҳам ўз ичига олган, ўзаро умумий тортишиш кучи билан боғланган 200 миллиарддан ортиқ юлдузларнинг улкан гравитацион системаси номини ифодалаган «Галактика» сўзи асли юнонча бўлиб, унинг туб илдизи «сутли», «сутсимон» деган мазмунни билдирилади.

СИЛСИЛА — тилимизда «силсила» сўзининг бир неча маънолари мавжуд. Бу сўзнинг туб илдизи «қатор», «саф», «тизим» мазмунини билдиради. Маълум тартибда кетма-кет тизилган нарсаларга «силсила» дейилади. Шунингдек, бирик-кетин содир бўлувчи ҳодисалар тизмаси ҳам, сулола, шажара ҳам «силсила» сўзи билан ифодланади.

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.



Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўзини ўзи бошқариш тизими, тadbиркорлик, хуллас, ҳар бир тармоқда пискентлик хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Энг қувонарли жиҳати, туманда эллик мингдан кўпроқ хотин-қизлар истиқомат қилса, иқтисодий фаол деб эътироф этса арзийдиганлари салкам ўттиз минг нафарни ташкил этади. Бунинг ўзиёқ аёлларнинг жамият ҳаётидаги иштироки нақадар кенгаётганини кўрсатади.

Ана шундайлардан бири "Дўстлик" ордени соҳиби, халқ таълими аълоҳиси, вилоят кенгаши депутаты, 1-сонли умумтаълим мактаби директори Марҳабо Қурбоновадир.

— Мен ўзимни энг бахтли ўқитувчилардан бири деб ҳисоблайман. Нега десангиз, бизлар айнан истиқлол даврида туғилиб, вояга етаётган ўғил-қизларга таълим-тарбия бераёямиз, — дейди Марҳабо опа биз билан суҳбатда. — Шунинг ўзи катта масъулият ва юксак шараф эмасми? Таълим масканимизда мингдан ортиқ ўқувчилар таҳсил олади. Уларга 70 нафардан зиёд педагог-мураббийлар турли фанлардан сабоқ бериб келишмоқда. Бир пайтлар эслайлик, шундай шароитлар бормиди? Амалтақал қилиб таъмирланган мактабларда ўқиганмиз. Ҳозир эса қайси бир ҳудудга борманг, болаларимиз замонавий, шинам биноларда таълим олишаёпти. Масалан, илм даргоҳимизда синф ва фан хоналари замонавий услубда жиҳозланган. 30 дан ортиқ тўғараклар ташкил этилган. Айниқса, театр тўғариға фаолияти таҳсинга сазовор. Ўқувчиларимиз Худойберди Тўхтабоевнинг "Беш болали йигитча", Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар", Саид Аҳмадининг "Уфқ" асарини сахналаштиришди. Келгуси йилда эса Чингиз Айтматовнинг "Асрга титигулик кун" асарини намоиш этишмоқчи. Фаол аълоҳи ўқувчиларимиздан Дилсора Абдулатторова, Саида Ортиқбоева, Азизбек Эркинжоновлар бошқаларга ўрнак бўлишди. Асосий мақсадимиз ана шундай йўллар орқали китобга, адабиётга бўлган меҳр-муҳаббатни ошириш, маънавий-маърифий баркамолликни шакллантиришдан иборатдир.

нинг деярли бўш вақти йўқ, десак муболага бўлмас. Тўй-томоша дейсизми, оилавий келишмовчиликларми, иш билан таъминлаш масаласими, хуллас, ҳар куни турли муаммолар юзасидан унга мурожаат этишади.

— Уйда бўш ўтирган аёлларга бирор фойдали хунар ўргатиш мақсадида маҳалламиз қошида махсус тўғарак ташкил этиб, унга Матлубахон Ўлмасовани жалб қилдик. Шу набирам тенги қизчанинг иқтидорига тан бермасдан иложи йўқ одамнинг, ҳатто ўзим ҳам ундан оилавий бюджетимизни тежаш ҳамда ҳозирда урфга кирган кўринишдаги камзул, бўйинбоғ, рўмол, юбка, шапка, уй жиҳозларини тўқишни ўрганиб олдим. Бу ёғини сўрасангиз невараларимдан 11 нафари қизлар. Улар ҳам Матлубахонга шогирд тушишган" — дейди "Намунавий маслаҳатчи" кўрик-танлови голиби, қатор орден ва медаллар соҳи-

тани севиш, табиатни ардоқлаш, инсонларга меҳр-муҳаббатли бўлиш сингари нозик туйғуларни кўпроқ сингдиришга уринаёямиз.

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиника гинекологи Меҳринисо Худойбердиевани пискентлик аёллар, тўғри-



ФАОЛ, ҲАММАСЛАК, ТАШАББУСКОР пискентлик хотин-қизларга шундай таърифлар ярашади



баси Назира опа Шоматова.

Туман марказидаги соғломлаштиришга ихтисослаштирилган 2-сонли мактабга тарбия муассасасида оғир ва ўрта гепатит касалликлари билан оғриган болаларнинг саломатлигини тиклаш билан бирга, уларга махсус дастурлар асосида таълим-тарбия берилади.

— Болалар дунёсини англаш ва тушуниш учун уларнинг қалбига қулоқ солиш керак, — дейди мазкур муассаса раҳбари Матлубахон Эркинова. — Нега-



ки, ҳар бири ўзига хос феъл-атворга эга ва ниятда нозик муомала одоби зарур бўлади. Таълим жараёнига миллий тарбиямизга хос анъаналар асосида ёндашишга ҳаракат қилаёямиз. Энг муҳим жиҳати, болаларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида замонавий педагогик технологиялар асосида турли хил ишланмалар ишлаб чиқамиз. Айниқса, уларнинг юрагига Ва-

роғи, фарзанд кўрган ва туғиш ёшидаги оналар кўпроқ танийди, десак янглишмаймиз.

— Ҳозиргача туманимизда яшовчи туғиш ёшидаги икки мингга яқин аёлларни тиббий кўриқдан ўтказдик, — дейди Меҳринисо опа биз билан кечган қисқагина мулоқотда. — Табиийки, улар орасида турли хил касалликка чалинганлари аниқ-



ланди ва тегишли тартибда даволашга киришилди. Шунингдек, аёллар саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида уй шароитида қўллаш мумкин бўлган тавсияларни ҳам бериб бораёямиз. Яна бир жиҳати, туман маслаҳатчи аёллари, ФХДЁ ходимлари билан ҳамкорликда соғломлаштириш ҳафталиклари ҳам ташкил этилган. Биз бундай тadbирларда эрта никоҳларнинг олдини олиш, қариндош-уруғлар ўртасида қурилаётган оилалар сонинини камайтириш, туғруқ оралигини сақлаш ва бошқа долзарб масалалар бўйича зарур маслаҳатларни бериб бораёямиз. Бу борда бизга туман тиббиёт бирлашмаси яқиндан кўмаклашмоқда.

Биз суҳбатлашган аёллар орасида турли соҳа вакиллари бор. Улардан бири — туман Қизил Ярим ой жамияти раиси Дилором Ҳакимованинг гап-сўзларига қулоқ тутсангиз, янада жиддий тортасиз.

— Биласиз, ҳаётда турли хил воқеа-ҳодисалар рўй бериши табиий. Эраклар билан бир

ЖАМИЯТ ВА АЁЛ

ни алоҳида таъкидлади. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили"да оилавий касаначилик ҳамда миллий хунармандчилик соҳасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилаётгани қувонарлидир.

"Мумтозбегим" хусусий фирмаси раҳбари Феруза Мирхалилованинг изоҳ беришича, юртимизда тadbиркорлар учун яратилган имкониятлардан мазкур жамоа аъзолари ҳам кенг фойдаланишмоқда. Бир йил ичида туман марказида гўзаллик салоҳи, тўй либослари, тикувчилик мини-цехлари ташкил этилиб, ўндан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланди. Шунингдек, яқин орада туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда касаначилик шўъба қорхонаси ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Пискент туманидаги Сўти қишлоғи аҳли Муҳаббат опа Ўроловани нафақат ибратли оила бекаси, шу билан бирга, уни деҳқончилик ва хунармандчилик соҳасида ҳам катта тажри-



қаторда аёллар ҳам бундай вазиятларда ўз зиммаларига тегишли вазифаларни олишлари керак", деди Дилором опа ва шартли равишда "зилзила содир бўлганда" Лола ариқ маҳалла фуқаролари қай тартибда эвакуация қилингани чорва моллари ва аҳолини хавфсиз жойга кўчирилгани, таълим муассасалари, ташкилот ва муассасаларда фу-

бага эга фермер ва қўлигул тўқувчи сифатида хурмат қилинган экан. Умр йўлдоши Жумабой ака билан биргаликда беш фарзандни вояга етказган Муҳаббат опа аввал ўзи бош бўлган фермер хўжалигини эндиликда ўғли Давронбекка топширган бўлса-да, барибир кўнгли тинчимайди. — Келинларим Дилнора, Насиба ва бошқа



қўни-қўшнилари ҳам ҳаминша менга елкадош. Уйдаими, далау маҳалладами, ҳаммаси қўллаб-қувватлашади. Насиб этса, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги тўйига ҳамоҳанг равишда невараларимга тўй бераман, — дейди опа шодмонлик билан.

Нигора ЎРОЛОВА,
Тошкент вилояти.

Азиз Бобохонов номи кўпчилигимизга яхши таниш. Ҳаётини матбаа-ноширлик соҳасига бағишлаган бу фидойи инсон шу йил бошида тахририятимизга ўзининг бир нечта ижод намуналарини олиб келганди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай муаллифнинг вафот этганини эшитдик (Оллоҳ раҳмат қилсин). Куйда унинг ҳаётий ҳикояларидан бирини ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз.

Эшмурод аканинг ховлиси кўп қаватли уйлар қурилиши муносабати билан бузиладиган бўлди. Уларга жон бошига қараб беш хонали уй берилди. Уч ўғилнинг ҳар бирига алоҳида хона тўғри келгани оилани бениҳоя хурсанд қилди. Фарзандлар вояга етиб, бирин-кетин ўз йўлини топиб кетди.

Тўнғич ўғил Эргаш тиббиёт институтида ўқиб юриб, курсдоши Гулнозага кўнгли қўйди. Бундан дарак топган онаси бўлғуси қудаларнинг кимлигини об-

куда. — Келинлар билан кўп қаватли уйда сиқилишиб қоласизларми, дейман. Эргашжонни ўз фарзандим ўрнида кўраман, ўғлингиз аяҳши ҳаёт кечирса, обрўли жойда ишласа, сизларга ҳам шуниси маъқул-ку!..

Эр-хотин совчиликдан эмас, худди азали жойдан келишадигандек ҳорғин эди. Эшмурод ака тарвузи кўлтигидан тушиб:

— Ўғлинг ичкүев бўлишга розилик берганини сенга айтганмиди? — деб сўради аёлдан.

— Эргашжоннинг одатини биласиз-ку, ичидан пишган. Текин бўлса, олдан ташла-йди. Мен сиздан розилик томан бўлса керак, деб ўйлабман...

— Бўлар иш бўлди, хотин! Ортиқча гапнинг фойдаси йўқ. Ўзи пиширган ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзи ичсин...

КЎРНАМАК ЎФИЛЛАР

Ўта содда, юмшоқ кўнгли, ота касбини эгаллаган Тиркашжоннинг тақдири ҳам акасига эргашди. Институти битира-битирмас яхшигина хусусий корхонада менежер бўлиб ишлаб бошлаган эди. Аммо кўп ўтмай, ёш йигитча ўз раҳбари, бева жувон Салимаҳонга айланиш қолди. Унинг ҳаёти билан яқиндан танишиб, аёлнинг богчага қатнайдиغان кизи, шаҳар марказида шинамгина ховли-жойи ва тўрт хонали уйи борлиги, ота-онасидан алоҳида яшашини билиб олди. Аммо гиёҳванд эри ўн беш йилга кесилгани, икки-уч йилда очикча чиқишидан беҳабар қолди. Тиркашжон ҳам Салимаҳонни шартига кўра унинг уйда яшати керак эди. Бечора ота-она бу ўғлига ҳам ноилоҳликдан рози-розилек беришди. Дангиллама тўй ҳам қилишди.

Чол-кампир учинчи ўғил Беходжоннинг қарамоғида қолди. Аммо отасининг даврида ўқиб олиб, бирор касб-ҳунарнинг бошини тутмаган фарзанднинг иши юришмади. Бутун оила кексаларнинг нафақа пулига қараб қолди. Кенжа боти акаларига бир неча марта юқиниб борди, ўртага ота-она ҳам тушди. Афсуски, соясидан от ҳурқадиган, анча-мунча обрў-эътибор ҳам қозониб улгурган Эргашжон ва Тиркашжон хотинларидан ўтиб, жигаргўшасига ёрдам қўлини чўза олмади. Ахийри, пичоқ келиб суякка қадалди, ҳали чимилдик кўрмаган ёш йигит Беходжон жаҳлланиб, «Янгаларимга бўйин эгиб юрганымдан кўра, бошқаларнинг итини боққаним яхши», дея хорижга отланди. Шу-шу, бадар кетди, ундан на хат келди, на хабар. «Жди меня» кўрсатуви орқали сўраб-суриштиришлар ҳам ёрдам бермади. Ота-онанинг қулоқлари телефонга, кўзлари эшикка махтал бўлиб қолаверди.

Нафақахўр қариялар қийналиб қолишди, беш хонали уй тўловлари ҳам уларни анча чарчатиб қўйди. Ўз жигарбандларидан меҳр кўрмаган чол-кампирга

маҳалла-қўй ҳам ёрдам қўлини чўзмади.

— Онаси, — деди бир куни Эшмурод ота. — Ўғилларингнинг кунини ўзингга маълум. Маҳаллада ҳам заррача обрўмиз қолмади. Беш хонали уйнинг нимасига қизиқиб ўтирибмиз, ёлғиз чол-кампирга шу зарурми? Уйни сотамиз-да, қарздан қутула-миз, қолган пулга дала ҳовли олиб, бог қиламиз, очик ҳавода яшаганга нима етсин.

Бу таклифни Саодат ая ҳам маъқуллади.

Кўламга чиқиб, чол-кампирнинг орзулари ушалди. Баҳаво жойдан дала ҳовли сотиб олишди. Ишқомда беш хил узум тараб бойланган, икки туп ўрик, икки туп олхўри, беҳи, шафтоли дарах-лари ҳосилга кирган эди. Беш хонали уйнинг дала ҳовли ва қарзлардан ортан пулига мўъжазгина иморат солдира бош-лади. Ўзи эса томорқани ишга туширгунча чакана тер тўкмади. Аммо ишлаган сари ёшариб, тетиклашиб бораётгандек бўларди. Ҳовли бинойидек ҳолга келганда ёз адоғлаб қолганди. Эшмурод ота хайр-эхсон дастурхонини ёзди. Келган таниш-билишларига ҳамма мева-сабзавот ўзининг богидан чиққанини бот-бот

ВОКЕИЙ ҲИКОЯ

ўтди. Отаҳон фарзандларига телефон қилди. Аммо ўғиллар пинак ҳам бузмади: «Ойим ҳали кўп яшайди...» деб қўя қолишди, холос. Саодат хола эса қўзини дарвозадан узмади, аммо дардини чолига ҳам айтолмади. Фақат гоҳ-гоҳ «...ўзимиз пиширган ош...» деб пичирларди. Эшмурод ота дунёга сигмай қолди, жаҳл отига миниб, ўғилларини худди бола пайтидаги каби уришиб-уришиб, қўлидан етаклаб келмоқчи ҳам бўлди. Аммо энди улар қа-атта одам эди... Саодат ая «Ўзимиз эгалик қилолмадик. Ўзга-ла-а-р...» дея жон берди. Чоли унинг нима демокчилигини тушунгандек бўлди...

Онасини охириги йўлга кузатишда ҳам қатнашмаган бемехр ўғилларни Одил ота тарқатган хабар шошириб қўйди. Бу пайтда Эшмурод отанинг қўлидан кетмони тушган, билакларидан куч, белидан қувват кетганди. Ён қўшини Ўзаам аканинг болалари кўнига яраб туришарди. У кун бўйи ҳамсоиянидан чиқадиган овқатга кўз тикиб ўтирарди. Миннатдорчилик рамзи сифатида богдаги мевалардан териб бермоқчи бўлар, аммо бунинг ҳам

таъқидлар, қилган ишидан мамнунлик туюрди. Аммо шундай яхши кунда ҳам чол-кампирнинг бағри тўлмади. Ҳали ўзлари яхши танимайдиган келину неваралари тугул, ўғиллари ҳам йиғинга келмади. Саодат ая кун бўйи дарвозага қараб-қараб қўярди. Худди шундай қувончли кунда Беходжон кириб келадигандек туюларди. Шаҳардаги уйларининг янги эгасига ҳам не умидлар билан манзилларини ташлаб келишганди.

Меҳмонлар кетишгач, мактабдош дўсти, хозирда маҳалла оқсоқоли бўлиб ишлаётган Олим ота мезбоннинг қўлтигидан ушлаб, йиғилмаган дастурхоннинг бир бурчагига ўтирди:

— Эшмурод, неча ўғилларинг кўринмади? — дея сўроққа тутди.

— Э-э, дўстим, неча йилдан бери ўзинг ҳам кўринмайсан-ку, ўғилларимни суриштирасан, — ярим ҳазил, ярим чин мийғида қулиб қўйди у: — Оғайни, кўп нарасадан беҳабарсан. Орадан қанча су-лар оқиб ўтди...

Икки қадрдон узоқ ҳасратлашди. Шунда бундай масалаларда катта тахри-бага эга Олим ота маслаҳат солди:

— Оғайни, менда бир таклиф бор. Фақат сизлар рози бўлсаларинг бас. Маъ-қул десанг, ўғилларингга ўхшашларга ҳам бир умрлик тارسаки туширардик.

— Хўш...

— Мен ўғилларинг билан бирга ўқиган йигитларни танийман, шулар орқали бир ёлгонни уларнинг қулоғига етказмоқчи-ман.

— Қандай ёлгон?

— Отангнинг сизлардан яшириб юр-ган йигирма минг доллар бор экан, де-моқчиман.

Эшмурод ота ўйланиб қолди. Гарчи ўзига вафо қилмаган бўлса-да, ўғил-ларининг шармандаси чиқишини истамади.

— Бизларни бу ишларга аралаштир-ма, билганингни қил, — деди беихтиёр.

Орадан кўп ўтмай, Саодат ая ноқобил ўғиллар дастидан қуя-қуя, жигарбанд-ларининг дийдорига зор бўлиб дунёдан

уддасидан чиқолмасди. Фарзандларидан кутган меҳрибонлик етти ётдан калаёт-гани отанинг хўрлигини янада оширар-ди. Ахийри, ён қўшинлар, маҳалла йиғи-ни оқсоқоли ва фаолларини чақиртириб, маслаҳат солди:

— Сизларга аҳволим маълум, шу учун васиятимни айтмоқчиман. Маҳалла коти-би хатлаб қўйса, яхши бўларди. Мен та-гига имзо қўйиб бераман... — деди ота нафасини ростлаб.

Йиғилганлар Эшмурод отанинг кўнглини кўтарган бўлишди.

— Мен Ўзаамжон укамга ишондим, — деди ота сохта меҳрибончиликларга пар-во ҳам қилмай. — Бор бисотимни, дала ховлимини унга васият қилиб қолдираман. Вафотимдан сўнг мени удумларимизга бинаоан охириги йўлга кузатса бўлгани. Агарда шуни маъқул топса...

Хеч кимдан нидо чиқмади. Фақат ма-ҳалла оқсоқоли:

— Меросхўрингиз йўқми? — деб сўра-ди ишонқирамай.

— Йўқ! — деди отахон узоқ ўйлаб ўтирмай ва мунгайибгина қолди.

Ўзаам ака эса отанинг ишончини оқлашга ваъда бериб, агар ўғил Беход-жон қайтиб келса, уй-жойни, албатта қай-тариб беришини ҳам қўшиб қўйди. Эш-мурод ота «ихтиёрингиз...» дегандек бош ирғади.

...Бемехр ўғиллар бола-чақаси билан оёғи қуйган товۇқдек серқатдон бўлиб қолишди. Отадан хабар олиш баҳонаси-да келиб, унинг оғзига кўз тикишар, пайт топиб, пана-пасткам жойларни титиб кўришарди ҳам. Эшмурод отанинг вафо-тидан сўнг титкилашлар янада авж олиб кетди. Тегишли маҳкамаларга чақирила-вериб, Ўзаам аканинг ҳам тинчи бузил-ди. Аммо бундан ҳеч қандай натижа чиқ-мади. Одил отанинг «Эшмурод ва Саод-ат болаларини катта қилгунча йигирма минг доллар эмас, ундан ўн-йигирма чан-дон ортиқ пул сарфлаган», деган гапи кўпчиликка маъқул тушди. Аммо бу чин гап ўз эгасини топдими-йўқми — бизга қоронғу.

Азиз БОБОХОНОВ



дон сўраб-суриштирди. Қизнинг оилада ягона фарзандлиги, отаси катта жойда раҳбар, онаси эса туғруқхонада шифо-кор бўлиб ишлаши, дангиллама ҳовлида яшашини аниқлади-ю, негадир кўнгли чопмади.

— Болам, катта дорга осилибсан, ўзи-миз қатори оиладан қиз топмабсан-да? — деди ўғлига. — Ҳай, майли, тўйини ўқини тугатганларингдан кейин бош-лаймиш. Лекин хозирдан тайёргарлик кўриш керак, — деб ўғлининг кўнглини кўтариб қўйди.

Уйнинг гапи кўчага тўғри келмагани-дек, тезда ўқиш ҳам тугади, қудалар уч-рашадиган фурсат ҳам етди. Аммо қай-нота бўлмиш аввал Эргаш билан яқкама-яқка гаплашиб олди. Сўнг ота-оналар ўзаро учрашадиган бўлишди.

— Бизнинг бир шартимиз бор, — деб гап бошлади Ғофирбой. — Эшитгандир-сиз, қизимиз яқкаю ягона фарзандимиз, меросхўримиз. Кўриб турганингиздек, ҳовлимизда икки эмас, уч оила ҳам бе-малол яшати мумкин. Қолаверса, ёшларга даромадли иш топиб берамиз... Ўғлингиз Эргашжонга тушунтирдик, ич-күев бўлишга розилик берди. Фақат ота-онанинг оқ фотиҳасини олиши керак. Тўйнинг бутун харажатини ўзимиз кўта-рамыз.

Эшмурод ака билан Саодат ая ноқу-лай вазиятда қолди. Йигирма беш йил киприк устида ўстирган ўғилларини би-ровга қўш қўллаб топшириш... Қиз бола бўлса ҳам майли эди, тақдирда ёзилга-ни шу-да, дейишарди. «Энг меҳрибон болам Эргашжон эди-я», — кўнглидан ўтказди онаизор.

— Бир эмас, уч ўғилларингиз бор, — ўртадаги ноқулай сукунатни бузди эркак

Агар шундай ҳолат рўй бер-са, уларни ажратиб юборишга шошилмаслик халқимизнинг синалган урф-одатларидандир. Бу шариатда «идда» дейилади. Идда — қонунларимизда ҳам бор, яъни ярашиш учун белги-ланган маълум муддат. «Эр-хотиннинг уриши, доқа рўмолнинг қуриши»; «Эр-хотин уришади, эси кетган бўлишади» (яъни, ўтинчи жанжали туфайли эр-хотинни ажратишга уринувчилар эси йўқ одамлардир, эси бўлса, уларни яраштиришга ҳаракат қилар эди, дейилмоқчи); «Эшик-

Эр-хотиннинг уриши...

ли бўлдинг, бешикли бўлдинг»; «Эри ўлиб эрга борган — эл тўра-си, эри бўлиб эрга борган — бет қораси»; «Эримга ёқдим — элим-га ёқдим»; «Эр севди — эл сев-ди».

Халқ оғзаки ижодидан: **Ғули сафсарни кўринг, Сувга қараб қайрилади. Бевафо ёрни кўринг, Ўлмай туриб айрилади.** Булар оилани мустаҳкам сақ-лаб қолиш улуг бахту саодат эка-



нини билдирадиган халқ ҳик-матларидир. Баъзи театр то-мошаларида халқнинг теран ах-лоқий жиҳатларини ҳисобга ол-майдиган лавҳалар ҳам учрайди. Масалан, бир чимилдикда ёш куёв янги келинга уч-тўрт марта «Қани, кет, жўна», «Тўёгини шикиллат» деган сўзларни айта-ди. Ҳолбуки, бу бизнинг миллий ахлоқимиз ва анъанамизга му-таъқиддир. «Агар келин «Отам-никига бораман» деса, «Бор!» деманглар, балки «Бориб кел», деганлар, токи беихтиёр киноя билан бир оилага дарз кетма-

син», дейди донолар. Ота-она-лар ҳам доим шу йўлда фидо-йилик қилиб келганлар. Бу ҳашардан ҳам, бошқа урф-одат-лардан ҳам кўра муҳимроқдир. Айниса, хозирги замонда ҳам келин-куёвнинг ўртасига ноҳақ аралашадиган, оилани сақлаш, тиклаш ўрнига, бузишга урина-диган қариндошлар, ота-оналар-нинг учраётгани ачинарли ҳол-дир.

«Оила ва жамият» муҳбири **Бобур КЕНЖАБОВ** тайёрлади.

Тарвуз ҳажм, ранг, шакл ва нав жиҳатдан хилма-хилдир. Энг яхшиси, пичоқ текканда ўзига хос овоз чиқариб ёрилагандир.

Хусусиятлари:

Мижози совуқ ва ҳўл. Тарвузни истеъмол қилиш сафро шиддати ва юқори қон босимини пасайтиради. Чанқоқни яхши қондиради, сийдикни ҳайдайди, қонни бироз суолтиради.

Бадандаги ҳўллик микдорини оширади. Иситмаларга, сафрога, шунингдек, ошқозон ва жигарда сафро бўлса, шифо бўлади. Озин ва мижози куруқ инсонларнинг мижозини тўғрилаб, мўътадил ҳолатга келтиради.

Тарвуз сканжабун ("сирка" ва "анга-бин" сўзларининг арабчага айланган шакли бўлиб, сирка билан ширинлик, яъни шакар ёки оққандни қўшиб, пишириб, тайёрланган дорилик) сирка билан истеъмол қилинса, сариқ касали ва эски чиқитларни йўқотишга даво бўлади. Озуқани ҳазм қилишга ёрдам беради, сийдикни ҳайдайди ва буйракдаги тошни майдалаб тўқади. Агар шакар билан ейилса, мижозни шиддат билан со-вутади. Сут билан истеъмол қилинса вос-вос, кўрвук, ҳадиксираш, савдойилик ва шунга ўхшаш касалликларга фойда қи-лади. Хурмо билан ейилса, сафровий мо-даларни бадандан даф қилади, қўтир ва бадан қичишини кетказида.

Тарвуз ейишнинг энг яхши вақти **икки таом орасидадир**. Яъни таом ҳазм бўлганидан кейин ва кейинги овқат ейи-лишидан олдинроқ. Овқатдан кейин да-рҳол ейилса, ҳазми бузиши мумкин.

Тарвуз талоққа ва мижози совуқ одам-ларга, совуқ мижозли ошқозонга зарар келтириши мумкин. Бу зиёни асал ва гулқанд ейиш билан кетказилади. Со-вуқ мижозли кишилар тарвуз истеъмол қилса, эрлик мижозини заифлаштиради, бўғимларга зарар келтириши мумкин.

Тарвуз данагининг хусусиятлари қовоқ данагининг хислатларига ўхшайди. Уруғини бир кунда 17,5 граммгача миқ-

дорда истеъмол қилиш мумкин. У буйрак ва сийдик йўлларида-ги тошларни тўқади, ошқозон-даги озуқани тез ўтказида.

Замонавий тиббиётда тарвуз юрак-қон томирлар тизими, буйрак касаллик-ларида ишлатилади. Буйрак тош, цистит, пиелонефритда, ўт-тош касаллиги, су-рункали колит, анемияда ҳам ейиш та-всия этилади. Тарвуз таркибидан ишқо-рий моддалар ҳар хил сабаблардан бош-ланган модда алмашинуви бузилишлари-ни меъёрга келтиради.

Таркибида фруктоза бўлгани учун қан-дли диабет касаллигида буярилади, чун-ки диабет билан оғриган беморларга фруктоза яхши фойда қилади.

Тарвуз — шифо "денгиз"и



Мураббоси

Мураббоси кўкрак ичидан пардалар-нинг шиши ва оғригига, ҳар қандай са-бабдан бўлган восвосга, кўкрак ичиданги аъзоларнинг дардига даво бўлади. Ош-қозон, жигар, ичаклар ва талоққа қувват бағишлайди.

Тарвуз мураббоси пўчоғидан тайёр-ланади. Бунинг учун аввал тарвузнинг яшил устки қисми олинади. Оқ қисми эса кичик бўлақларга бўлинган ҳолда 5-10 дақиқа қайнатилади. Кейин ғалвирдан ўтказилиб, совитилади. Пўчоғи қайнаган сувга шакар солиниб, аралаштириб ту-

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

рилади ва бу қайнагунча давом эттири-лади. Шакар бутунлай эригач, қиёмга лимон кукуну ёки шарбати қўшилади.

Қайнаб чиққан тарвуз пўчоғи қиёмга солиниб, 20-30 дақиқа қайнатилади. Сўнг оловдан олиниб, 2-3 соат ўтгач, қиём яна олов устига қўйилиб, энг паст оловда қай-натилади. Мураббо тайёр бўлганда пўчоқ-лари тиник рангга киради.

Шинниси

Шинни ич оғриғи, йўтал, сариқ касал-лиги, қабзият(ич қотиши), сурғи ва кам-

қонлик касалликларини даволайди. Ички ташки ишларни қайтаради, иштаҳани яхшилайди. Йўталга фойдаси катта.

Тарвуздан шинни тайёрлаш учун яхши пишган, сершарбати танланади. Пўсти арчилиб, майда бўлақларга бўлингач, эзиб шарбати олинади. Шарбат ўртача оловда қуюлгунга қадар пиширилади. Тарвузда сув кўпроқ бўлгани учун шар-батининг қуюлиши бирмунча узокроқ да-вом этади.

Қоқиси

Бунинг учун тарвузнинг пўчоғи оли-ниб яшил пўсти шилиб ташланади. Кей-ин қуритилиб, қартон қутида сақлана-ди. Кукун қилиб, овқатдан олдин 5 грам-мдан кунига 3 маҳал асал қўшилиган сув билан ичилади.

Қуритилган тарвуз пўчоқларини май-далаб устига 1:10 нисбатда сув қуйила-ди ва 30 дақиқа давомида паст оловда қайнатилади. Кейин сивитилиб, сийдик-тош касалликларига чалинганлар овқат-дан олдин кунига 3-4 маҳал 1-2 стакан-дан ичсалар ниҳоятда фойдалидир.

БОБУРБЕК тайёрлади.

АЖАБ ОЛАМ

ЭНГ ЁШ РАДИОБОШЛОВЧИ

Бугунги кунда радиобошловчилик ҳавас қилган ёшлар, ўсмирлар кўпчиликини ташкил қилади. Шу боис радиолар маъмуриятига турли ёшдаги болалар "Мен ҳам радиода бошлов-чилик қилсам бўладими?" деган савол-лар билан тез-тез мурожаат қилиша-ди.

Нега бўлмас экан? Ҳатто 8 ёшин-гизда ҳам машур радио бошловчи бўлишингиз мумкин, деймиз уларга.



Сиз суратда қўриб турган болақай-нинг исми-шарифи Жек Хил бўлиб, ёши саккизда. У Англиянинг "Стар Ра-дио 107,7" (Star Radio 107.7) радио-каналда ажайиб мусиқали шоу дас-турини олиб боради. Жекнинг студия-даги ҳаракатлари, яъни компьютер-лаштирилган пультада эркин ишлай би-лиши, мухлислар билан шошилмас-дан, мазмунли мулоқот олиб бориши ҳавас қилгулик. Жуда ҳам ёшлигига қарамаздан у мусиқа соҳасини чуқур тушунади ва етарлича таҳлил ҳам қи-ла олади. Унинг сеvimли ижрочилари Билли Оушн (Billy Ocean) ва "Куин" (Queen) гуруҳидир. Жек Хил ҳозирча дунёдаги энг ёш радиобошловчи дея эътироф этилмоқда.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

"Муқаррам синглим билан институтда бирга ўқигани учун бизникига тез-тез келиб турарди. Ҳар гал у кетгач, онам менга Муқаррамни мактаб, "Қани энди, шундай қиз келинчим бўлсайди", дейишни қанда қил-масди. У ҳам ёқимтой, хушрўй эди. Мен эса синфдошим Гули-ни ёқтирардим. Лекин унинг отаси бадавлат бўлиб, унча-мунча-ни қизига тенг кўрмасди. Гу-лининг учта опаси ҳам мансаб-дор инсонларга келин бўлган-ди. Онам бундан хабар толгач, "Худо ҳайригнни берсин, бо-лам, кўрпангга қараб оёқ узат, тенг-теги билан денганлар, биз-ларни эл олдида мулзам қилма", деди ялингандек. Шун-ча гап-сўзлардан сўнг ҳам Гу-лига совчи юбордим. Онам ҳақ бўлиб чикди. Унинг отаси сов-чиларни масхаралаб, ҳатто ол-диларига ҳам дастурхон ёзмай ҳайдаб солибди. Шундан сўнг бир йил ўтгач, Муқаррамга уй-ландим. Онам ниязига етди. Биз бахтли яшай бошладик. Кетма-кет фарзандларимиз ту-ғилди. Хотиним ниҳоятда меҳ-рибон, оилапарвар аёл эди. Тўсатдан оғир хасталикка ча-линиб, икки йил узлуксиз даво-ланди. Наилож, бедаво дард экан. Шунга ҳам беш йил бўлди. Бир ўғлимни уйлантирдим. Қол-ганлари ҳам вояга етиб қолди. Фарзандларим меҳрибон, ақл-ли-хушли.

Ёшим 49 да. Маълумотим олий. Ишим тайин. Уй-жойим етарли. 45 ёшгача бўлган оқ кўнгли, уйим-жойим дейдиган, бефарзанд аёл учраса, уйлан-моқчиман.

ХУРШИД, Хоразм вилояти".



"Дилбар билан абитуриент-лик пайтими танишган эдим. Тасодифи, биринчи имтиҳонда битта партада ўтириб иншо ёздик. У беш баҳо олди, менга эса... икки йил талаба бўлиш насиб этмади. Учинчи йили ома-дим чошиб ўқишга кирдим. Бу пайтда Дилбар тўртинчи курсда ўқирди. Менинг хурматимни жойига қўяр, кўнглимга қарар-ди. Ўқиши тугагач, қишлоғига қайтиб, ишлаб бошлади. Хат ёзишиб турдик. Бир кун отам менга "Ўртоғимнинг қизига уй-ланасан", деб оёқ тираб олди. Икковимиз барабар севгимиз учун курашдик. Тўйга розилик бергач, отам "Ўзимга ўхшадинг, мен ҳам бир қариндошимизнинг қизига уйланмай, онангга уйлан-гандим-да. Лекин ўртоғимнинг қизига ўхшагани дунёда йўқ. Сенинг бахтингни ўйлагандим. Бу ёғи ўзинг пиширган ош, пеш-шонангдан кўр", деди.

Рисоладагидек тўйимиз бўлди. Хотиним хушмуомаласи, уддабуронлиги, пазандалиги билан ҳаммамнинг кўнглига йўл топди. Ота-онам уни қизларидан ҳам зиёд кўрарди. Кетма-кет фарзандларимиз туғилди. Улар-ни оқ ювиб, оқ тараб вояга ет-казди. Эндигина хузур-ҳаловат-да яшайдиган даврида гепатит касаллигининг оғир формасига чалиниб, оламдан ўтиб қолди. Қисмат экан-да. Фарзандларим ҳам ҳаммаси ўзларидан тинган. Ҳозир ўзим ёлғиз яшаяпман. Ўғил-қизларим ҳолимдан хабар олиб туради.

Ёшим 60 да. Маълумотим олий, нуфузли ташкилотда хиз-мат қиламан. Пойтахтда яшай-ман. Уй-жойим бор, 55 ёшгача бўлган, меҳрибон, ёлғиз ёки фарзандлари ташвишидан қутулган аёл учраса, хабар бер-сангиз.

НУРМАТ, Тошкент шаҳри".

"Махалладашим Кудратга турмушга чиқандим. Тўрт нафар фарзанд кўрдик. Оиламиз мод-дий томондан бекаму кўст эди. Шу сабабли ҳатто ўзимиз яша-ётган ҳовли қимнинг номида эка-нига ҳам қизиқмаганман. Эрим автохалокатга учраб ногирон бўлиб қолгач, ҳовлини сотайлик, ўғлингизни даволатайлик, деб қайнонамга ялиндим. У киши "Йўқ, ота-бувамнинг чирогини ёкиб ўтирибман, ўзингиз қарин-дош-уруғингиздан қарз кўта-риниб", деб кўнмади. Шу орада пул топиб, эримни қўлимдан келгунича даволатдим. Лекин орадан олти ойча вақт ўтгач, қа-зо қилди. Ҳамма кўргулик шу кун-дан бошланди, қайнонам биз-ларни ўз уйимизда яшашга қўймади. Болаларим билан ижа-рада туришга мажбур бўлдим. Бир ўғлим уйланди, икки қизим турмушга чиқди. Кичик ўғлимни тоғаси қарамоғига олган. Катта ўғлимникида бир муддат яша-дим, лекин қайнонаси ғийбат қилавериб, сиздирмади, охири Тошкент вилоятида яшайдиган қизимникига кетдим. Куёвим жуда оқибатли ва меҳрибон,

умридан барака топсин. Ҳеч бир аёл ёши бир жойга борганида уй-жойсиз сарсон бўлмасин экан.

Ёшим 57 да. Маълумотим олий. Нафақадаман. 65 ёшгача бўлган, иймонли, фарзандлари-дан тинган, уй-жойли инсон уч-раса, турмуш курсам дейман.

ХАДИЧА, Наманган вилояти".

"Оиламиздаги беш фарзанд-нинг тўнғичи эдим. Ўқишни би-дирган йилим онам оламдан ўтди. Энг кичкина укам уч ярим ёшда эди. Мактабда бошланғич синфларга дарс бериб, оилада укаларимга ош-ўқат пишира-дим, қирларини ювардим. Олти йилдан сўнг отам уйланди. Ўғай онам қизчали бўлгач, оиламиз-да нотинчлик бошланди.

Қандай қилиб бўлмасин, чи-дашга мажбур эдим. Отамнинг, укаларимнинг тинчини ўйлаб эртаю кеч тиним билмай ишлар-дим. Ўғай онам эса маошимни тийингача санаб оларди. Мени сўраб келган совчиларга арзий-диган баҳона топиб рад жавоби-

ни берарди. Отамни ҳам измига солиб олганди. Тенгдошларим турмушга қичиб кетишди. 32 ёшимда аммаларимнинг саёй-харакати билан ўзимдан ўн етти ёш катта, хотини қаза қилган, уч фарзандли эркакка турмушга қичдим. Тақдирни қарангки, мен ўғилчали бўлганимдан сўнг бу уйда ҳам келишимовчилик бош-ланди. Қайнукамнинг беш қизи бор эди. Эрим ўғлимни шу ука-сига беришни талаб қилди. Та-бийки, бу шартга кўнмадим, уриб, сўкиб уйдан ҳайдаб юборди. Йиллаб-сиқтаб қайтиб борсам, ўғай онам ўз уйимга ки-ритмади. Отамнинг эса дарди ичиди эди. Холамникида яшай бошладим. Ўғлим уч ёшга тул-ганида онамдай меҳрибончилик кўрсатган холажонимнинг масла-хати билан "Оила ва жамият" га хат орқали мурожаат эдим. Мен-га фарзандсизлик тўфайли оила-сидан ажрандган самарқандлик Зокир деган кишининг телефон рақамини беришди. Учрашдик. Қариндош-уруғларга маъқул бўлгач, турмуш қурдик.

Ўғлимга оталик меҳрини бе-раётган шундай олижаноб инсон билан тақдиримни боғлашда қўмак берганларингиз учун мингдан минг раҳматлар айта-ман!

ЗУХРА, Самарқанд вилояти".

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла кўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган-лар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ ЎЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Мамлакатимизда маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, ёш авлоднинг зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Лекин минг афсуски, бугунги кунда ёшлар ўртасида кенг тарқалиб бораётган турли оқимларга мойиллик бизда ҳам айрим йигит-қизларнинг юриш-туришида, табиатида кўзга ташланмоқдаки, бундай нохуш ҳолатларга эътиборсиз қараб бўлмайди.

Кейинги пайтларда, айниқса, ўсмирлар орасида услуб, имиж тушунчалари анча оммалашди. Ажабтовур кийинган ёки тирноқларини турли рангларга бўяб, сочларини қандайдир тушунарсиз шаклда турмақлайдиганларни кўрсак, бу шунчаки кўр-кўрона таклид ёки эргашиш бўлса керак деб ўйлаймиз. Аслида улар "гот", "эмо", "хиппи", "экстремал", "хип-хоп", "панк" каби хатарли, зарарли оқимлар вакиллари бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Бу шунчаки услуб эмас

Азадорлар қиёфасини эслатувчи "гот" услуби айна пайтда нафақат Европада, балки Осиёнинг айрим давлатларида ҳам оммалашмоқда. АҚШ, Англия, Финландия, Франция, Италия, Япония ўсмирлари орасида шундай услубда кийиниш урф бўлиб бормоқда.

Фарбда қоп-қора кийинган эркакларни "гот", аёлларни эса "готесса" деб аташади. Улар ўзларини азадор, гамгин, таркидунёчи одам деб ҳисоблайдилар. Доим ўлим ҳақида ўйлаб, шу мавзуда бахс-мунозаралар юритишади. Уларнинг энг мудҳиш одатларини ташландик қабристонларда кузатиш мумкин. Қабрлар устида ётишади, шамлар ёқиб майхўрлик ҳам қилишади.

"Готика" ўрта аср маданиятининг маълум бир йўналиши сифатида Фарбда шакланган. Дастлаб XII аср ўрталарида Францияда пайдо бўлган. Уша даврдаги оқсуяк зодагонларнинг ўзига хос кийиниш услуби бўлиб, зулмат рангидаги кийимлар уларга ўзига хос салобат ва кўркамлик бахш этган. Ҳатто айнан "готика" (азадор) услубида бинаолар, черковлар ҳам барпо этилган.

Кейинчалик бу услуб маълум бир ўзгаришларга учради. Тарихчиларнинг акарияти "гот"ларни афсунгарлик, сеҳру жоду билан шуғулланувчилар дея ёзишади. Вақт ўтиши билан "гот" услубидаги "рок" мусиқалари пайдо бўлган. "Гот" оқими вакиллари, бир сўз билан айтганда, тун, зулмат одамларидир.

Зарарли маданият

Биз уларнинг жирканч ҳаёт тарзи ҳақида сал бўлса-да маълумотга эга бўлдик. Аммо бу оқим вакиллари ўзларини "юксак маданият" соҳиблари сифатида баҳолашади. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида Европада "гот" мусиқаси ёшларни худди вабодек ўз домига торта бошлаган.

ОЗОДЛИК ТИМСОЛИ

Ранглар нима,
Нимадир жило?
Ё кўзларинг
Сурган ҳайли.
Беҳол бўлиб
Турибди хино,
Бармоқларга
Бордек саволи.

Ранглар нима,
Нимадир жило?
Уфқларнинг қип-қизил
Юзи.
Етти рангда
Товаланиб турар
Камалакнинг
Биргина ўзи.
Ранглар нима,
Нимадир жило?
Она юртининг
Жамолими у?
Ватан, гулгул

Чехраларингда
Боқийлик бор,
Сен улук, мангу.
Сендан билдим —
Ранглар экан нур,
Улар эркининг тимсоли экан.
Осмон оппоқ,
Хумо қуши хур,
Озодликнинг висоли экан.

ЎТИНЧ

Мени осмонларга олиб кет, шамол,
Қатма-қат булутнинг тахтида тинчим.
Шеър ёзмақ истадим беҳол, бемажол,
Қалдирғоч қаноти ёлғиз ўтинчим.

Бўрондек кирсанг қалбларга муҳабб,
Шеърят гулашани аро йўлим бор.
Бир чечак васлида яшасам мулзам,
Мен бир қалакнинг, зумлик умрим бор.

Мен ҳам ёрқиннинг силсиласида,
Узлат гўшлари қисматим эмас!

ҒОЯГА ҚАРШИ ҒОЯ

Ҳар қандай ҳолатлардан эҳтиёт бўлиш, уларга йўл бермаслик ҳақида огоҳликка чорланаётгани бежиз эмас. Юртбошимиз Ислам Каримов ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига ҳам "оммавий маданият" ниқоби остида юртимизга кириб келаётган бундай иллатларнинг олдини олиш борасида "...Бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, то-



Лондонда "гот", "готесса"лар учун алоҳида тунги клублар ташкил этилиб, уларнинг ғоялари ва қарашлари билан йўғрилган қўшиқ ҳамда рақслар намойиш этилган. "Готика" йўналишидаги кино-фильмлар ҳам суратга олинган. Уларнинг ўзига хос адабиётлари ҳам шаклланди. Бугунги кунда бу оқим намояндалари ана шу йўналишдаги куй-қўшиқлар, фильмлар ёзилган дисклар, махсус адабиётлар орқали ўзларининг жирканч ғояларини тарқатишга уринишмоқда.

Кўпгина давлатларда оқимнинг мазмун-моҳиятини англаб, унга қарши кескин чора-тадбирлар ҳам кўриб келинмоқда. Ушбу маданият шафқатсизлик, жўшқин ҳаётга нисбатан нафрат, беҳаёлик, ўз жонига жабр қилиш сингари хусусиятлари билан кенг жамоатчиликнинг кескин қаршилиги ва норозилигига сабаб бўлмоқда.

Умуман, бу каби нохуш ҳолатлар Европа мамлакатларида кўп учрамоқда. Кейинги пайтларда юртимизда ёшларнинг тарбиясига, уларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган

бора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда", деб таъкидлаганлар.

Айтиш жоизки, халқимизнинг минг йиллардан буён сайқал топиб келаётган ўзига хос маданияти, маънавий олами, бетакрор қадриятлари бор. Шундай экан, бадбинлик, хунрезлик, ёввойиликни тарғиб этувчи, ёшларни ҳаётдан завқ олиб, севиб, севилиб яшашга эмас, аксинча, ёвузлиқка, ҳаётга қора кўзойнак билан қарашга ундовчи бундай сохта "маданият" унсурларига қарши курашмоқ учун эътиборли ва хушёр бўлишимиз керак. Ёшларимизни миллий маданиятни эъзозловчи ва унга амал қилувчи руҳда тарбиялаб бориш Ватан келажаги учун ўзини дахлдор деб билган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчларидан биридир.

Шоҳрух ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Миллий
университети талабаси.

«Бунёдкор» янада илгарилаб кетди

«Пахтакор» ва «Насаф»нинг навбатдаги очко йўқотишларидан сўнг «Бунёдкор» «Сўғдийна»ни кичик ҳисобда мағлубиятга учратиб, энди яқин таъкибчиларини 8 ва 11 очкога ортада қолдирмоқда. Бу ҳам етмагандек, мусобақа жадвалида 4- ва 5-ўринда бораётган «Нефтчи» ва «Олмалик» жамоалари ҳам бу турда очко йўқотишди. Аксинча, биринчи давра омадсизлари — «Шўртан», «Динамо», «Навбахор», «Қизилқум» клублари ўз жамғармаларини очко билан тўлдиришни бошлашди.

Уч ўйинда икки ғалаба

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилаётган Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ мусобақалари тақвими-га киритилган шахмат бўйича 20 ёшга ча бўлган йигит-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида икки юз нафарга яқин шахматчи ғолиблик учун куч синашмоқда.

Қизлар ўртасидаги беллашуларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Хулқар Тоҳиржонова учинчи тур ақунларига

кўра юқори ўринлар учун курашни давом эттирмоқда. Чемпионат давомида ҳиндистонлик Матхурима Шехар ва филиппинлик Жанелле Фрайнани мот қилган шахматчимиз навбатдаги турда мезбонлар вакиласи Г.Ласяга қарши қора донларда ўйнади.

Эркаклар мусобақасида мамлакатимиз чемпиони Олег Артеменко ҳам уч имкониятдан икки очко жамгарди. Умидли спортчимиз мезбонлар вакили Жас Вант ва португалиялик Хуго Лима Сантосни мағлубиятга учратди. Тўртинчи турда Олег Артеменко жиддий рақиб — озарбойжонлик гроссмейстер Вазиф Дурарбейли билан учрашади.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ҚАЛДИРҒОЧ

Мен учун эмасдир қанотсиз парвоз,
Осмоннинг қифтида олгим бор нафас.

Мени уммонларга олиб кет, шамол,
Юрагим ҳаёт қайғида жим.
Эй уммон, шеъримни кучоғингга ол,
Покикка чайилсин, шудир ўтинчим.

Шеъринг уммонида маржон бўлгим бор.
Кўкка етмаса гар йўққа нетади.
Дилрабо сатрлар сирли мафтункор,
Мени шамоллар ҳам олиб кетади.

СУВ

Тушингни сувга айт.
Табйир

Сувни хафа қилди апави одам,
Хузурда ёмон гап айтиб қўйди.
Шу зилол жилганинг озғриди жони,
Бадали жимирлаб, аужуди куйди.

Бир сахройи дилдан мақтади уни,
Шукр, деб томчисин кўзида сурди.

Нилий чехра олди,
Билурдек жилга,
Уйноқлаб дараалар
сари югурди.

У Худо зикрини

Ҳар зарраси гулнинг

Унинг хузурда

Ёмон тушингизини

эшитди яна,

чехрасидек бол.

яхши сўз айтинг,

айтмангиз зинҳор.

Дилрабо НОРҚУЛОВА,
Тошкент тўқимачилик ва снпгд саноат институтини
қониядаги академик лицей ўқувчиси.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари мазмуни учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибиат: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000, Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5